Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Ҳалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 февраль, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 27 (1280)

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ЙЎЛИ

*ДАВОС, 5 февраль (ЎзА махсус мухбири). Бу ерда ўтаётган жаҳон иқтисодий анжумани тадбирларини кенг ёритаётган Швейцария оммавий ахборот воситалари бу тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Президент Ислом Каримов бошчилигидаги делегацияси фаол иштирок этаётганини қайд этмоқда. Ўзбекистон анъанавий Давос учрашувида бешинчи марта қатнашмоқда.*

Бу учрашувга дунёнинг барча томонларидан давлат ва ҳукумат бошлиқлари, таниқли иқтисодчилар ва мутахассислар, савдо-саноат ва молия доираларининг намояндалари, журналистлар келган. Шарҳловчилар бу гал ҳам анжуманда кўплаб давлатлар вакиллари иштирок этаётганини, мазкур анжуманнинг жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлашмоқда.

Анжуманда бошланган мунозараларда жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон бозорининг ҳозирги ҳолати ва тараққиёти истиқболлари билан боғлиқ муҳим масалалар, давлатлар иқтисодий тараққиётининг ана шу йўлда дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этишга доир муаммолари муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг аъзолари «Жаҳон ақл-заковат ҳаракати» деб аталган бевосита баҳсларда иштирок этишди.

Президент Ислом Каримов Давосга келган дастлабки кундаёқ, ташрифнинг тигиз дастурига мувофиқ, хорижий мамлакатларнинг анжуманга келган давлат ва жамоат арбоблари, йирик компаниялар ва банкларнинг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

«Ўзбекистон Республикасида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дадил қадамлар билан олға бораётгани аввало мамлакатингиз жаҳон иқтисодиёти билан муваффақиятли интеграция йўлида катта имкониятларга эгалигидан далолат беради», — деди мухбиримиз билан суҳбатда Европа Ҳамжамияти комиссиясининг комиссари жаноб Ханс Ван Ден Брук.

Давос учрашуви иштирокчиларининг диққат-эътибори Ўзбекистоннинг ислоҳотлар йўлидан олға томон қилаётган ҳаракатининг матбуотда ҳам алоҳида қайд этилган қиёсий таҳлилига қаратилди. Масалан, ўтган йили хорижий компаниялар ва халқаро банклар республикада амалга оширилаётган йирик қўшма лойиҳаларда, шу жумладан нефть-газ, автомобилсозлик, кон-қазилма саноати соҳаларида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этишга алоҳида қизиқиш билан қараётганини кўрсатди, дейишмоқда мутахассислар. Таниқли иқтисодчилар бу қизиқишни Президент Ислом Каримов ўтказаётган хорижий мамлакатлар савдо-саноат ва молия доиралари билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш сиёсатига мувофиқ келади, деб ҳисоблашмоқда. Айни шу сиёсат туфайли улар Ўзбекистоннинг улкан ресурслари имкониятларига, сармоядорларга берилаётган давлат кафолатларига алоҳида қизиқиш билан қарамоқдалар, дейишмоқда кўп шарҳловчилар.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримовнинг журналистлар билан учрашувига анжуман матбуот марказида рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари вакилларигина эмас, анжуман иштирокчиларининг ҳам зўр қизиқиш билан қарагани тушунарлидир. Ўзбекистон раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга интилаётганини алоҳида таъкидлади.



*Эргашали Алманов Наманган туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигининг 9-бригадасига етакчилик қилади. У бошқараётган бригада аҳли ҳар йили ўз зиммаларидаги режаларни ошиғи билан уддалаб келмоқдалар. Жумладан, ўтган йили бригада пахтакорлари 63 гектар ернинг ҳар гектаридан режадаги 35 ўрнига 53 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, туманда юқори кўрсаткичга эришишди. Айни кунларда бригадада баҳорги экинтикин мавсумига ҳозирлик кўриш, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит чиқариш каби юмушлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.*

*СУРАТДА: Эргашали Алманов.*

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*• Ёқилғи-энергетика иншоотлари*

## ГАЗЛИ КОНИ АВВАЛГИ МАВҚЕИНИ ТИКЛАМОҚДА

*Бу йил Газли ер ости конининг ишга тушганига 40 йил тўлади. Ўтган даврда мазкур кондан кўплаб миқдорда газ қазиб олинди.*

— Бугунги кунда республика энергетика мустақиллигига эришиш энг муҳим вазифалардан биридир, — дейди «Газлитрансгазқазиболиш» бошқармаси бошлиғи Комил Фозилов. — Буни чуқур тушунган ишчи-хизматчиларимиз ўтган йили газ конденсати, нефть қазиб олиш юзасидан белгиланган топшириқларни ошириб бажардилар. Бу маҳсулотлар эса Газли — Нукус, Газли — Чимкент газ қувурлари орқали мижозларга ўз вақтида етказиб берилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси ҳам хом ашё билан таъминланди.

Шуниси қувончлики, биз ана шў ютуқларга кам ишчи кучи ва харажат сарфланган ҳолда эришдик. Масалан, бошқармамиз бўлинмаларида 1490 нафар киши меҳнат қилиши керак эди. Амалда эса 1406 одам ишлади. Пировардида 118 миллион сўмлик ўрнига 131 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳар бир одам ҳисобига 41 минг сўмлик ўрнига 51 минг сўмлик иш бажарилди. Нефть қазиб олиш 1994 йилга нисбатан 15, конденсат қазиб олиш ҳажми эса 6 фоиз ўсди.

Ўтган йили Газли конларида газ қазиб олиш бутунлай тўхтатилган эди. Натижада ер остидаги газ захираси кўпайди. Шу орада тажрибали мутахассис Казбек Султонбоев бошчилигидаги бўлинма эски қудуқларни таъмирлаб, янгитдан 56 та қудуқ қазиди. Бу тадбирлар ўз навбатида халқ хўжалиги иншоотлари ва аҳолини газ билан таъминлашнинг қўшимча имкониятларини вужудга келтирди.

Бошқарманинг Шариф Хўжаев бошқараётган биринчи цехи ишчилари ҳам қўлга киритган ютуқлари билан фахрланса арзийди. Улар мавжуд қудуқлардан нефть ва газ конденсати қазиб олиб, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига пешма-пеш етказиб бермоқдалар.

Иккинчи цехга асосан тозалаш ускуналари ўрнатилган. У ерда ишлаб чиқариш қувватини пасайтирмаслик, газ қазиб олиш даражасини бир меъёрда ушлаб туриш учун дастгоҳларни тез-тез таъмирлаб туришга тўғри келмоқда. Шу билан бирга, тозалаш ускуналарининг самарадорлигини ошириш мақсадида янги технологияни жорий этишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Оқибатда самарадорлик 690 минг сўмни ташкил этди.

Ишчи-хизматчиларимизнинг жорий йилдаги ниятлари ҳам улкан. Улар бутун йил мобайнида ишлаб чиқариш қувватини пасайтирмасликка аҳд этишган. Бундан ташқари, янги газ конденсати конлари очилади. Пировардида йилига ярим миллион кубометр газ ва 5 миллион тонна газ конденсати қазиб олинади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ҳалқ сўзи» мухбири.**

## СОВҒА — ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари, шунингдек республиканинг бир қанча йирик кутубхоналари яқин кунларда Буюк Британияда нашрга тайёрланиб, Америка Қўшма Штатларида чоп этилган 22 жилдлик «Жаҳон қомуси»ни олади. Американинг «Марказий Осиёда иқтисодий ислоҳотлар ва тараққиёт лойиҳаси» хайрия жамғармаси республикамизга 750 минг доллар қийматга эга бўлган қомуснинг 300 нусхасини текинга ажратди.

Жамғарманинг Тошкентда қароргоҳи бўлиб, унинг ходимлари республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан мустаҳкам алоқада ишламоқда. Яқинда Ўзбекистон олий ўқув юртларига АҚШда нашр этилган иқтисодиёт, менежмент, молияга оид янги адабиётлар келтирилди.

**(ЎзА).**

*• Ислоҳот қирралари*

## ЕТМИШТА КИЧИК КОРХОНА ҚУРИБ БЕРИШАДИ

***Ўтган йил Жиззах воҳасида мева, узум, сабзавот, гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда олдинги йилларга қараганда анча ўсишга эришилди.***

Бу асосан ўттиз бир ярим минг гектардан зиёд майдонда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган бир ярим минг фермер хўжаликлари чекига тўғри келади.

Лекин туманларда етиштирилаётган бу неъматларни қайта ишлайдиган корхоналар ҳали кам. Шуни ҳисобга олиб 1996 йил бошидан Германиянинг «Вемекс» фирмаси билан иқтисодий ҳамкорлик шартномалари тузилди. Немис ҳамкорларга асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади. Улар эса озиқ-овқат ишлаб чиқарадиган 70 та кичик корхона қуриб берадилар. Шу йилдаёқ уларнинг бир қисми ишга туширилиб, сут маҳсулотлари, мева-узум шарбати, маъданли сув, қуюлтирилган помидор шарбати ишлаб чиқарила бошланади. Бир неча кичик тегирмон қурилиб, маҳаллий ғалладан ун тортиш йўлга қўйилади.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Ҳалқ сўзи» мухбири.**

## БОЛАЛАРГА ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

***Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик-танлови низомида болалар боғчаларида, мактабларда жўр бўлиб куйланадиган оммавий қўшиқларга алоҳида эътибор берилиши қайд этилган.***

Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда хайрли иш бошлади: Янги қўшиқлар тўпламини тайёрлашга киришди. Кўзга кўринган болалар шоир ва бастакорларига буюртмалар берилди.

Куни кеча бастакорлар уюшмасида тўпламга кирувчи асарлар муҳокамаси бўлди. «Булбулча» болалар хор жамоаси янги қўшиқлардан намуналар ижро этди. Қўшиқлар тўплам шаклида вилоятларга тарқатилади.

**(ЎзА).**

*• Биртаям танқид натижасиз қолмайди*

## «РАИС НЕГА ЧОРВА ҲАҚИДА ГАПИРИШНИ ХУШ КЎРМАЙДИ?»

**(«Ҳалқ сўзи» 1995 йил, 24 ноябрь)**

***Эсингизда бўлса, юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган танқидий мақолада Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли ижара ширкатлар уюшмасида чорва моллари парвариши зооветеринария талаблари даражасида ташкил этилмаганлиги, чорвачилик учун ажратилган 420 гектар озуқа майдонининг 100 гектарига пахта экиб юборилгани айтилган эди. Жумладан, фермани ҳиссадорлик жамиятига айлантириш учун аввалдан етарли шарт-шароитлар ҳозирланмаганлиги боис чиқарилган акциялар сотилмаётир, иш юритиш усули эса ҳамон эскичалигича қолаверган. Шунингдек, қишлоққа саноатни олиб кириш, у ерда кичик-кичик корхоналар барпо этишга хўжалик раҳбарлари панжа орасидан қараб келишаётганлиги танқид қилинган эди.***

Мақола бўйича туман ҳокимлигидан қуйидаги жавоб хати келди:

Мақола ҳокимлик томонидан жойида ўрганиб чиқилди. Текшириш натижалари тумандаги барча хўжалик ва чорвачиликка ихтисослашган ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди.

Чорвага ва кичик корхоналар қурилишига эътиборсиз қарагани ҳамда мавжуд цехлардан унумли фойдаланмаганлиги учун Қ. Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмаси раиси Худойқул Холбеков огоҳлантирилди.

Шунингдек, чорва молларни парваришини тўғри ташкил этолмаганлиги, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараб, молларнинг сони ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғини камайтириб юборганлиги учун «Фарҳод» ҳиссадорлик жамияти раиси И. Анқабоев охирги марта огоҳлантирилди ва унга мавжуд нуқсонларни бартараф этиш учун уч ойлик синов муддати берилди.

**А. ҲОЖИМУРОДОВ,**
**Дўстлик тумани ҳокими.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Ҳалқ сузи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### АНА ЭНДИ БАХМАЛ ҲАМ ТЎҚИЛАДИ

*Хазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигидаги бахмал тўқиш корхонасида Фарғонадан келтирилган тўқув дастгоҳлари ўрнатила бошлади.*

Қишлоқ тадбиркорлари «Хазорасп» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда барпо этаётган мазкур корхонада бир юз йигирма нафар киши иш билан таъминланади.

### ДАРОМАД ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА ҲАМ САРФЛАНАЯПТИ



**Қўрғонтепа дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти ўтган йилда вилоятдаги нон ва нон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналар учун 50 минг тонна олий ва биринчи навли ун етказиб берди. Келаётган даромаднинг асосий қисмини ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга, янги техника сотиб олишга ва ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфламоқда.**

**СУРАТДА: Хонобод шаҳридаги «Виндлер» нон ишлаб чиқариш цехи ишчиси Матлубахон Абдувалиева.**

### ҲАР КИМ ЭҲТИЁЖИГА ЯРАШАСИНИ ОЛАДИ

*«Фарғонадон» акционерлик уюшмаси фирма дўконларига тайёр маҳсулотни қопда эмас, балки 3 килограммли қоғоз халтачаларда чиқара бошлади.*

Бунинг учун махсус дастгоҳлар ўрнатилди. Ҳозирдаёқ 160 тоннадан зиёд қадоқланган ун жўнатилди. Бу усул маҳсулот исроф бўлиши ва унинг четга олиб чиқиб кетилиши олдини олади. Қолаверса, ҳар ким эҳтиёжига яраша ун харид қилади.

### ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

*Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида бир гуруҳ республикамиз иқтидорли рассомларининг Амир Темур таваллуди 660 йиллигига бағишланган кўргазмаси очилди.*

Унда буюк бобокалонимиз, шунингдек, темурийлар, Шарқнинг буюк алломалари сиймоларини акс эттирувчи портретлар ва бошқа асарлар намойиш этилмоқда.

### ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНАДИ

*Наманган шаҳрининг «Тўқимачи» маданият саройида бўлган танловда ватанга, она диёрга муҳаббат мавзусидаги қўшиқлар янгради.*

Бу мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик танлови вилоят босқичининг бир қисмидир.

Ҳофизлар баҳси ҳозирча туманлараро миқёсда ўтказилмоқда. Истеъдодли ижрочиларни аниқлаш давом этаётир.

### ДОН МЎЛ БЎЛСА АЖАБМАС



**Ангор туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги ғаллакорлари бу йил минг гектар майдонга буғдой сепиб қўйишган эдилар. Шу кунларда деҳқонлар далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, экинларни молларнинг пайҳон қилишидан сақлаш каби юмушларни бажаришаяпти.**

**СУРАТДА: ғаллакор Қ. Халилов.**

### КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

*Навоий вилоятидаги ўқитувчилар тайёрлаш институтида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.*

Семинар қатнашчилари буюк соҳибқироннинг Марказий Осиё ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни ҳақидаги маърузаларни тинглади.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

